

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВ ЖАМОЛИДДИН АБДУКАРИМ ЎҒЛИ

**Жаҳон ва Ўзбекистон Универсиадаси енгил атлетика
мусобақаларида спорт натижаларининг таҳлили**

Таълим йўналиши: 5610500 – Спорт фаолияти (енгил атлетика)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга
кўйилди. Енгил атлетика, оғир
атлетика ва велоспорт назарияси
ва услубияти кафедраси мудири
п.ф.н. доц. М.С.Олимов

“ _____ ” _____ 2016 йил

Илмий раҳбар

Катта ўқитувчи А.М.Баратов

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I БОБ. УНИВЕРСИАДА МУСОБАҚАЛАРИ ТАРИХИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING АСОСЛАРИ.

- 1.1. Универсиада мусобақалари тарихи
- 1.2. Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақалари тизими.
- 1.3. Ўзбекистон универсиадасининг жорий этилиши ва натижалари
- 1.4. Ёшларга қаратилаётган эътиборнинг натижаси

II БОБ. ТАДҚИҚОТЛАРNING УСУЛЛАРИ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ.

- 2.1. Тадқиқот усуллари.
- 2.2. Тадқиқотни ташкил қилиниши.

III БОБ. ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

- 3.1. Бутунжаҳон Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили
- 3.2. Бухоро-2013 Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили.
- 3.3. Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадалари натижаларининг ўзаро қиёси.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг ислохотлар натижасида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳам қисқа вақт ичида сезиларли даражада юксалмоқда ва ривож топмоқда. Бу натижаларга эришишда аввало, давлат раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, қарор ва фармонлар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунлар, 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ва XV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги Президент Қарори каби муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда спортчиларни тайёрлаш, уларнинг натижаларини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Шу билан бирга спортчиларнинг доимий равишда ўқув йиғин машғулотларини ташкил этиш, бу ишга малакали мутахассисларни жалб этиш муҳим омиллардан ҳисобланиб, бу борада мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган.

Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, дунёда ўхшаши бўлмаган уч босқичли ноёб тизим – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт мусобақалари бўлажак етук спортчилар учун ўзига хос пиллапоя вазифасини ўтамоқда. Ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар айна вақтга келиб ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, Олимпия ўйинларида, Жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун олимпия захираси муассасалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, уларнинг моддий-техника базаси ҳам замонавий кўринишда мустаҳкамланиб, тўла қувват билан ишламоқда. Бунинг яна бир

мисоли сифатида шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизнинг барча спорт турлари бўйича терма жамоаларида юқори малакали спортчилар жалб этилган бўлиб, улар сўнги йилларда ўтказиб келинаётган турли нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олиб келмоқда. Юқори малакали спортчилар орасида юртимизнинг турли ҳудудларидаги олий ўқув юртлири талабалари ҳам борлиги ёшларга берилаётган эътиборнинг бир кўриниши дейишимиз мумкин. Хусусан, юртбошимизнинг ташаббуслари билан жорий этилган уч босқичли спорт мусобақаларининг олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилиб келинаётган Универсиада мусобақаларида шу вақтгача минглаб спортчи ёшлар иштирок этгани фикримизни тасдиқлайди. Ушбу спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган Енгил атлетика бўйича ташкил этилган баҳсларда барча вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари сафида иштирок этган талаба ёшлар орасида кейинчалик жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда ўз маҳоратларини синаб, катта тажриба орттирмоқдалар. Енгил атлетика бўйича Жаҳон ва Ўзбекистон Универсиадаси мусобақалари натижаларини таҳлил этиш ва ушбу мусобақаларда кўрсатилган натижаларни ўзаро таққослаб, спортчиларимизнинг натижаларини янада яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини таъминлайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Танланган мавзу юзасидан юртимиз профессорлари ва олимлари томонидан бир қанча изланишлар олиб борилган бўлиб, хусусан профессор К.Т.Шакиржанова ўзининг тадқиқотларида 2000-2010 йиллар оралиғида бўлиб ўтган Ўзбекистон Универсиадаси мусобақалари хусусида сўз юритади. Гарчи Олий таълим муассасалари талабаларининг Универсиада мусобақалари халқаро аҳамиятга эга бўлмасада, нуфузи, салоҳияти ва оммавийлиги билан Республикамизда энг юқори спорт тадбири ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, илк мусобақаларда спортнинг 9 тури бўйича беллашувлар ўтказилган бўлса, кейинги даврларда спортнинг 12 тури мусобақалар дастуридан ўрин эгаллади, яъни: баскетбол, кураш, белбоғли

кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол, кўл тўпи, сузиш, дзюдо спорт турлари бўйича талаба-ёшлар баҳслар олиб борди (К.Т.Шакиржанова, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов “Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш”. Ўқув-услубий кўлланма. ЎзДЖТИ 2012 й.).

Кейинчалик яъни, 2013 йили Тошкент кимё-технология институти катта ўқитувчилари Х.Т.Ортиқов ва А.М.Омаровалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам Ўзбекистон Универсиадаси спорт мусобақаларининг енгил атлетика турлари самарадорлигини оширишга эътибор қаратган. Муаллифлар бу тадқиқотлари давомида юртимизда узлуксиз уч боқичли мусобақалар тизими, Универсиада мусобақаларининг мақсади ва вазифалари ҳамда Ўзбекистон ва Жаҳон Универсиадаси мусобақаларининг таҳлили юзасидан ўзларининг хулосаларини билдирганлар.

Хорижда эса айнан россиялик бир қанча тадқиқотчилар Казан-2013 Универсиадаси учун тайёрлаган маълумотларида мусобақалар ўтказиш ва спортчилар учун ташкил этилган қулайликлар, шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ва спорт ҳаёти кенг ёритилган (Е.Кожевина, А.Гречко, И.Осипова, Д.Фролов, Е.Юшкина “Влияние мегасобытий на представления жителей о городе: опыт универсиады-2013” Казань 2013 г.).

Тадқиқот мақсади. Енгил атлетика бўйича Жаҳон ва Ўзбекистон Универсиадаси натижаларини ўзаро таққослаш орқали юртимиз спортчи-талабаларининг натижалари динамикаси таҳлили.

Тадқиқот вазифалари. Ўтказилиши режалаштирилган тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик. Унга кўра:

1. Мавзу юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили;
2. Ўзбекистон Универсиадаси ташкил этилиши бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;
3. Жаҳон (Казан-2013) ва Ўзбекистон Универсиадаси (Бухоро-2013) мусобақаларида енгил атлетика натижаларини таҳлил этиш ва таққослаш.
4. Олинган натижалардан келиб чиқиб хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида Жаҳон (Казан-2013) ва Ўзбекистон Универсиадаси (Бухоро-2013) енгил атлетика мусобақалари белгилаб олинди.

Тадқиқот предмети. Ҳар иккала Универсиаданинг енгил атлетика бўйича мусобақаларида спортчи-талабалар томонидан кўрсатилган натижалар тадқиқот предмети этиб танланди.

I БОБ. УНИВЕРСИАДА МУСОБАҚАЛАРИ ТАРИХИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИНГ АСОСЛАРИ

1.1. Универсиада мусобақалари тарихи

Жисмоний тарбия ва спорт орқали инсонлар ҳар томонлама етукликка ва комилликка эришиши узок йиллар олиб борилган тадқиқотлар натижасида исботланган ходисадир. Жисмоний тарбия ва спорт нафақат кишиларни саломатликларини тиклайди балки, бутун дунёда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ва халқлар ўртасидаги тинчликни сақлашда муҳим восита сифатида ҳам қадрланиб келинади. Бунинг биргина мисоли, ҳамма замонларда “Спорт – сиёсатдан ҳоли”, “Спорт – тинчлик элчиси” каби шиорлар остида кўплаб мусобақалар ва беллашувлар ташкил этиб келинганининг ўзидир. Дунёда жуда кўплаб нуфузли спорт мусобақалари жорий этилганки, хатто уларнинг бир-биридан устун жиҳатлари ҳар томонлама сезилиб туради. Бевосита бу каби нуфузли мусобақалар қаторига Бутунжаҳон талабалари Универсиадасини мисол қилишимиз мумкин. Ушбу мусобақаларда фақатгина дунё мамлакатларининг университет, институт ва олий мақомдаги олийгоҳлари талабалари иштирок этишлари мумкин. Ўз навбатида бу қандай мусобақа ва қачондан буён ўтказиб келинади деган саволга жавоб бериб ўтишни лозим деб топдик.

Демак, *Универсиада* – Талабалар ўртасида халқаро спорт мусобақалари “Халқаро Университет Спорт Уюшмаси” (*французча “Федератсион Интернационале ду Спорт Университаире” ёки инглизча “Интернационал Университий Спортс Федератсион” ФИСУ*) томонидан ўтказилиб келинади. “Универсиада” сўзи – “Университет” ва “Олимпиада” сўзларидан олинган.

Талабалар спорти тарихи 1905 йилдан талабалар ўртасида биринчи бор АҚШда ўтказилган халқаро мусобақалардан бошланади. Францияда 1919 йил Жан Птижан томонидан талабалар Конфедерацияси ташкил этилди. 1923 йилда ушбу ташкилот раҳбарлигида Парижда биринчи Бутунжаҳон талабалар ўйини ўтказилди. Орадан бир йил ўтиб Бутунжаҳон талабалар

Конфедерацияси (БТК) ташкил этилди. Бутунжаҳон талабалар Конфедерацияси фаолияти давомида 1939 йилга қадар талабалар ўртасида саккиз маротаба спорт мусобақалари ўтказилди. Барча ўтказилган мусобақалар Европада ташкил этилган. Энг кўп мусобақаларни Франция ўзида 3 марта қабул қилган.

1947 йил Халқаро талабалар Уюшмаси (ХТУ) ташкил этилди. Ушбу ташкилот ташкил этган мусобақаларда ғарб мамлакатларидан спортчилар иштирок этмаган. Халқаро талабалар Уюшмаси раҳбарлигида сўнги мусобақа 1962 йили Хельсинки (Швеция)да ўтказилди.

Халқаро талабалар Уюшмаси (ХТУ) Халқаро Университет Спорт Уюшмаси (*ФИСУ*) этиб ўзгартирилди.

1947 йил Парижда “Университет спорти ҳафталиги” доктор Пол Шлеймер ФИСУнинг биринчи мусобақалари ташкил этди.

1959 йили УИЕ аъзолари ФИСУ ташкилотига қабул қилинди. Шу йили Турин (Италия)да биринчи ёзги Универсиада ўйинлари ўтказилди. Ушбу мусобақада 45 та давлатдан 965 та ёш спортчилар қатнашди.

Орадан бир ўтиб Шамони (Франция)да талабаларнинг биринчи қишки ўйинларида 13 та медаллар жамланмаси ўйналди.

Учинчи ёзги Универсиада ўйинлари 1963 йили тарихда биринчи марта Европада эмас Порту-Алегре (Бразилия)да ташкил этилди.

ВИИ ёзги Универсиада ўйинлари Москвада ўтказилди. Бу мусобақада спортнинг 10 та туридан ўтказилган бўлиб, 4000 спортчи иштирок этган. Бу пайтда қатнашчилар сони рекорд даражага етди.

Римда ВИИИ ёзги универсиаданинг енгил атлетика тури жаҳон университетлари чемпионатлари шаклида ўтказилди. Шунга қарамай ушбу мусобақада 38 та мамлакатдан 468 нафар спортчилар қатнашди.

1.2. Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақалари тизими.

Ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни, келажак тараққиёти биринчи навбатда ўз халқининг, ёшларининг жисмоний ва маънавий камолоти билан

ўлчанади. Ҳозирда давлатлар ўртасидаги ўзаро мусобақа, куч-қудратини намоён этиш беллашуви, асосан икки йўналишда - спорт ва жисмоний тарбия ҳамда ақл-заковат, яъни интеллектуал фаолият соҳасида устувор аҳамият касб етмоқда. Илмий таъбир билан айтганда, халқнинг жисмоний-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, бу борада тегишли захираларни шакллантириш ХХИ асрда тараққиёт ва юксалиш кафолатига айланиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни чуқур ва ҳар томонлама идрок этиб, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошлаб юртимизда соғлом ва баркамол авлод тарбиясини давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айлантириш бу борада ўзига хос миллий тизим яратиш чора-тадбирларини кўрди. Ана шу мақсадда истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ «Соғлом авлод учун» ҳалқаро ҳайрия жамгармаси ташкил етилди, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола, соғлом насл учун кураш ё'лида салмоқли қадамлар қўйилди. Биринчи давлат мукофотининг «Соғлом авлод учун» ордени деб аталгани бу борадаги интилишлар қанчалик қатий ва узоқ мақсадларни кўзлаганидан далолат еди.

Муҳими шундаки, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш нафақат болалар ва ўсмирларни, балки бутун халқни оммавий спорт ҳаракатига жалб қила оладиган ўзига хос самарали тизимни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишларининг узвий ва ажралмас қисми деб билди, бу соҳадаги тадбирларни ўзаро уйғун ва муштарақ тарзда ташкил этиш таклифини берди.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг турли қатламларини қамраб олган самарали миллий тизим вужудга келгани ва у ҳозирданок яхши натижалар бераётгани нафақат ўзимизнинг, балки хорижий мутахассислар томонидан ҳам тан олинди, еътироф этилаётгани мазкур соҳадаги ишларнинг нақадар пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилганини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, бундай олижаноб ишлар ўтиш даврининг ниҳоятда мураккаб босқичида амалга оширила бошлагани билан

янада аҳамиятлидир. Собик иттифоқ худудидаги бошқа ёш мустақил давлатлар иқтисодий муаммолар гирдобига кириб, сиёсий можароларга кўмилиб қолган бир даврда бизнинг юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги амалий ишлар жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилди.

Ана шу эзгу ишлар ҳозирги кунда ҳам изчиллик ва қатият билан давом еттирилиб, халқимиз, аввало, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб йетишга мустаҳкам замин бўлмоқда, мамлакатимизда жисмоний интеллектуал ресурсларнинг рўёбга чиқишини таминламоқда. Бунинг замирида юртбошимизнинг «Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади» деган ғоялари мужассам. Соддароқ қилиб айтганда, юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш вазифасига қудратли давлатни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо етиш, ҳуқуқий фуқаролик жамият барпо етиш жараёнининг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Ўтган тарихан қисқа давр мустақиллик йилларида бу борадаги ишларнинг кенг кулоч ёйиши ва салмоқли натижалар беришининг боиси ҳам шунда.

Зеро, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги бир авлод вакилларининг майдонга чиққани, уларнинг жаҳон миқёсида қўлга киритган ютуқлари ҳаммани ғурурлантиради. Жумладан, бокс бўйича Олимпияда чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, Жаҳон чемпиони Артур Григорян, Олимпиада ўйинлари совриндори Аббос Атоев, енгил атлетика бўйича Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорлари Светлана Радзивил, Екатерина Воронина, Юлия Тарасова, теннисчилардан Денис Истомин, Ирода Тўлаганова, шахмат бўйича юртимизда биринчи гросмейстер Нафиса Мўминова, дзю-дочи Ришод Собиров, футболчилар Миржалол Қосимов, Одил Ахмедов каби кўп юртдошларимизнинг спорт соҳасида еришган улкан ютуқлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ислоҳотлар, яратилаётган шарт-шароитлар натижасидир. Ёшларимиз соғлом ва бақувват бўлиб вояга етаётгани ва Ўзбекистон шарафини дунё миқёсида муносиб ҳимоя қилаётгани мамлакатимиз нуфузининг тобора ортиб бораётганидан дарак

беради. Мана шундай спорт юлдузлари тимсолида юртимизнинг ёруғ келажагига ишонч мустаҳкамланиб боради.

Бугунги кунда пойтахтимизда, вилоят ва туман марказларида спортнинг, айниқса, ёшлар орасида оммавийлашиб боришининг таъминловчи бирламчи омил-муносиб шарт-шароитлар яратилди. Замонавий спорт иншоотлари, ўйингоҳ ва мажмуаларнинг барпо етилиши ўқувчи - ёшларни оммавий спорт мусобақалари билан тўла қамраб оладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларидан иборат уч босқичли миллий тизимнинг шаклланишига асос бўлди. Натижада спорт, жисмоний тарбия ёшлар дунё қаршига ижобий таъсир етиб, жисмоний-интеллектуал ресурслар ривожнинг янги босқичга кўтарилишини тaminламоқда. Шунингдек, юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг талимдан ташқари тизими ҳам шаклланмоқда. Бу ўқув масканлари, маҳаллалар қошида турли спорт тўғараклари фаолиятини ё'лга қўйиш, спорт майдончалари ва мажмуалари барпо етиш ишларида яққол намоён бўлмоқда. Биргина «Маҳалла футболи» беллашувлари ёки «Спортчи оила» мусобақалари спорт нафақат таълим даврида, балки талимдан ташқари пайтда ҳам ёшлар ҳаётининг таркибий қисмига айланиб бораётганини кўрсатади.

Буларнинг барчаси юртимизда ҳар бир ўғил-қиз спорт билан шуғулланиши, жисмоний бақувват бўлиши, шу тариқа соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантириши ҳақидаги фикрлар амалда тобора кўпроқ ўз аксини топаётганидан дарак беради.

Бизга ғурур-ифтихор бағишлайдиган яна бир муҳим тарихий дадил кўп асрлик ўлмас қадриятларимиздан бири бўлган курашнинг бутун дунёда тан олиниб, замонавий спорт турлари қаторидан муносиб ўрин егаллаб бораётганидир. Ўзбек кураши бўйича кўплаб мамлакатларда махсус уюшма ва федерасиядар тузилаётгани, халқаро даражадаги мусобақалар ўтказилаёгани бизнинг миллий спорт аналаримизнинг инсонпарварлик моҳиятини, мардлик ва жасорат тимсоли сифатида умумбашарий аҳамиятини холисона намоёиш этади. Айниқса, дунёнинг турли қита ва минтақаларида яшайдиган турли миллат ва елат вакилларининг байроғимиз рангидаги

кийимларда майдонга тушиши, «халол», «ёнбош», «чала» деган ўзбекча сўзларнинг янграши, ота-боболаримиздан бебаҳо мерос бўлиб келаётган бу спорт турининг афзаллигини ўз кучи, истеъдоди билан кўрсатишга ўриниши бежиз эмас. Дунёнинг турли бурчакларидан гоҳ олис Африка мамлакатларидан, гоҳ юксак тараққий топган Европа қитасидан ёки олис Лотин Америкасидан кураш бўйича мусобақалар ўтказилаётгани ҳақида келаётган хабар ва янгиликлар ҳар бир ватандошимизни қувонтириши шубҳасиз.

Одатда, кўпчилик спорт деганда инсоннинг фақат жисмоний камолотини, йаъни унинг куч-қувватга тўлиб, соғлом юришини тушунади. Бу-бир томонлама нотўғри қарашдир. Зеро, спорт инсоннинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал камолотга йетишида ҳам жуда катта аҳамиятга йега. Спорт билан шуғулланувчи одамнинг жисмигагина эмас, фикру-хаёли, тафаккури ҳам янгиланади, спортга хос олижаноблик фазилатлар шаклланиб, беҳуда ташвишлардан халос бўлади, фақат яхши ва езгу ишларни ўйлайдиган бўлади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта еътибор берилаётганининг яна бир асосий сабаби нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол авлодни вояга етказиш зарурати билан изоҳланади. Чунки спорт халқнинг, миллатнинг ғурурини юксалтиради, маънавий куч-қудрат бахш этади, қолаверса бутун жамиятни ана шу ғурур туйғуси орқали бирлаштиради. Энг муҳими, спорт соғлом турмуш тарзининг асосларидан бири сифатида ёшларнинг ўз имконият ва салоҳиятини, иқтидорини ҳар хил бўлмағур ишларга эмас, балки ел-юрти обрўйини оширишга, ўз жисмоний ва маънавий камолотини ошириш ё'лида сарфлашга сафарбар этади. Негаки, доимий равишда спорт билан шуғулланадиган боланинг жисми ҳам, руҳи ҳам тетик бўлади, унинг бутун вужуди уйғун тарзда камол топади. Унинг ўй-хаёли фақат ўз истеъдодини намоён етиш, турли мусобақаларда ғалаба қозониш ишқи билан банд бўлади (С.Мардонов Ўзбекистонда спорт мусобақаларини яратилишининг ўзига хос хусусиятлари. Магистрлик диссертацияси. 13-17 бет. Самарқанд-2011 й.) .

1.3. Ўзбекистон универсиадасининг жорий этилиши ва натижалари.

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли кучдир. Шу боис ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педагогик технология сифатида кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари – умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги “Баркамол авлод” ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, олимпиячилар захирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очишда мазкур тизим муҳим аҳамият касб этаётир. “Умид ниҳоллари”да илк маротаба катта мусобақа ҳавосини олган ёшлар “Баркамол авлод” ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларида давлатимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Шу ўринда, уч босқичли спорт мусобақаларининг катта бўғини Универсиада ўйинлари жорий этилиши ва ўтказилиши хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Илк бор ушбу мусобақа гуллар шаҳри дея таърифланмиш Наманганда 2000 йили ташкил этилган бўлиб, бу мусобақалар доирасида 1712 нафар спортчи-талабалар спортнинг 9 тури бўйича иштирок этган эди. Бухоро-2002, Самарқанд-2004, Тошкент-2007 ва Андижон-2010 Универсиадаларида ёшларнинг маҳорати ва тажрибаси ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани намоён бўлди.

Бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, шахмат, бадий гимнастика, оғир атлетика, теннис бўйича яратилган ўзбек спорт мактабларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек кизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўпкарра рекордчилар – Раъно Омонова, Юлдуз Қўчқорова, ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионатида ғолиб чиққан бадий гимнастикачи Азиза Мамажонова каби йигит-қизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.

Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти айниқса самарали бўлмоқда. Жамғарма томонидан ўн йилда 1113 болалар спорт объекти қурилди, фаолият кўрсатаётган 262 спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар спортини – ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Юртбошимиз яна шуни ҳам алоҳида фахр билан қайд этиб ўтдиларки, мана шундай юксак марраларни қўлга киритаётган болаларимизни миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнан ана шундай азму шижоатли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари билан минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлмоқда, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида руҳлантирмоқда.

Ўзбекистон Универсиадасида жамоаларнинг эгаллаган ўринлари бўйича маълумот (Х.Т.Ортиқов, А.М.Омаровалар бўйича)

Ўтказилган жойи ва вақти	1-ўрин	2-ўрин	3-рин
Наманган 2000 йил	Наманган	Тошкент	Самарқанд
Бухоро 2002 йил	Тошкент	Бухоро	Наманган
Самарқанд 2004 йил	Тошкент	Самарқанд	Наманган
Тошкент 2007 йил	Тошкент	Самарқанд	Наманган
Андижон 2010 йил	Тошкент	Андижон	Наманган
Бухоро 2013 йил	Тошкент	Самарқанд	Андижон

1.4. Ёшларга қаратилаётган эътиборнинг натижаси.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр - муҳаббатни сингдириш борасида шарт - шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини қишлоқ жойларда ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, Ватанга садоқатли, келажакка ишончи бор, баркамол авлод тарбиялаш, болалар орасидан истеъдодли спортчиларни танлаб олиш ва улар қобилиятини ривожлантиришга кўмак бериш мақсадида муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2002 йилнинг 24 октябрида “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги 3154-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон мамлакатимизда болалар жисмоний тарбия ва спортини янада ривожлантириш борасида пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, уч йилда бир марта ўтказилган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада спорт мусобақаларида иштирок этишга ёшларда иштиёқ ортиб бормоқда. Бу тадбирлар олимпия ҳаракати тамойилларига мувофиқ равишда тўлиқ ташкил этилганлиги сабабли, ёшларни ҳалолликка, мардликка, қатъийликка ундамоқда. Ёшларимиз, жумладан Ришод Собиров, Юлдуз Қўчқарова, Уляна Трофимова, Раъноҳон Аманова, Нодира Нодиржанова, Азиза Мамажонова, Замира Санақулова, Жамила Раҳматова, Луиза Галиулина ва бошқалар “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби спорт мусобақаларида қатнашиб, тажрибасини орттирган ҳолда спортнинг 30 тури бўйича нуфузли халқаро мусобақалар, Жаҳон кубоги, Осиё ва Олимпия ўйинларида иштирок этиб ғалаба қозониш орқали мамлакатимизни бутун дунёга танитиб, халқаро майдондаги обрў-ёғтиборини янада юксалтиришга эришмоқдалар. Ўғтиборлиси, қишлоқ жойларида яратилган имкониятлардан кенг фойдаланаётган қизларимиздан ангорлик Сарвиноз Шайдуллаева, бешариқлик Нафиса Мўминова, нукуслик Гадоева Нилуфарлар ҳам нуфузли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритмоқдалар. Бу борада кичик ёшдаги спортчиларимиздан 6 ёшли Жавохир Синдаров Осиё қитъаси мактаб ўқувчилари орасида Ҳиндистонда ўтказилган шахмат бўйича чемпионатда жаҳон чемпиони, 8 ёшли Нодирбек Абдусатторов Марибор шахрида шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида жаҳон чемпиони шарафли номига сазовор бўлдилар. Шунингдек, Жорий йил 1 октябр ҳолатига 32 та (21 та қишлоқларда) Республика миқёсидаги спорт мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақаларга 3 145 нафар (2 741 нафар қишлоқлардан) ўқувчи-ёшлар жалб этилди. Уларнинг 2 064 нафарини (1 247 нафар қишлоқлардан) қизлар ташкил этди. Мазкур спорт тадбирлари: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Маҳалла” жамғармалари, “СПОРТ” телерадиоканали,

Республикамизнинг марказий оммавий ахборот воситалари, Ёнгин ўчириш амалий спорт федерацияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа спорт федерациялари билан ҳамкорликда ўтказилди. Жамғарманинг минтақавий филиаллари томонидан барча ҳудудларда 6 525 та спорт тадбирлари (4 457 таси қишлоқ жойларида) ўтказилган. Ушбу тадбирларда 1 281 608 нафар (799 803 нафар қишлоқлардан) ўқувчи-ёшлар иштирок этган. Уларнинг 599 919 нафарини қизлар (317 986 нафари қишлоқдан) ташкил этади.

Республикамизнинг барча ҳудудларида 321 та ўтказилган тадбирларда ўсмирлар ўртасида Осиё, Олимпия ўйинлари иштирокчилари; ёшлар ўртасида Республика, Жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари совриндорлари; катталар ўртасида Республика ва Жаҳон чемпионатлари ғолиблари иштирокида маҳорат сабоқлари ташкиллаштирилди. Ушбу тадбирларга 45 463 нафар (32 452 нафар қишлоқлардан) ўқувчи-спортчилар жалб этилди. Уларнинг 19 411 нафари (16 220 қишлоқлардан) қизлар. Жамғарма маблағлари ҳисобидан; Германия, Хитой, Полша, Болгария, Малайзия, Шри Ланка, Таиланд, Россия, Украина, Қозоғистон, Миср, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Латвия, Жанубий Корея, Франция давлатларида бўлиб ўтган 27 та халқаро спорт мусобақаларида спортнинг гандбол, футбол, чим устида хоккей, бадминтон, шахмат, шашка, стол тенниси, сузиш, сув полоси, байдарка ва каноода эшкак эшиш, батутда сакраш (трамполин), акробатика, армрестлинг, юнон-рум кураши, бокс, кўл жанги, таеквон-до, карате-до, жеткун-до ва универсал жанг турлари бўйича 356 нафар (80 нафари қизлар) ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Уларнинг 272 нафари (59 нафари қизлар) қишлоқ жойларидан. Ушбу Халқаро мусобақаларда иштирок этган ёшларимиз, жами 173 та (36 та олтин, 44 та кумуш ва 93 та бронза) медалларини қўлга киритишди. Шунингдек, 2013 йилнинг 16 - 23 август кунлари Нанкин шаҳри (Хитой)да ўтказилган ўсмирлар ўртасида ИИ-Осиё ўйинларига енгил атлетика спорт тури бўйича Жамғарма томонидан 11 нафар ўқувчи-ёшлар юборилди. Мусобақанинг якуний натижаларга кўра ядро улоқтириш бўйича ўғил болалар ўртасида 4-ўринни Фарход Суюнов, найза

улоқтириш бўйича 5-ўринни Владислав Палюнин ҳамда қиз болалар ўртасида босқон улоқтириш бўйича 4-ўринни Хошимова Гулрухсора ва баландликка сакраш бўйича 6-ўринни Сафина Садуллаевалар эгаллашди. Шу билан бир каторда, 2013 йил 30 август - 6 сентябр кунлари Колумбо шаҳри (Шри-Ланка)да умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида шахмат спорт тури бўйича Жамғарма томонидан 5 нафар ўқувчи-ёшлар юборилди. Шахмат бўйича Осиё чемпионатининг якуний натижаларга кўра, умумий жамоалар ҳисобида Хиндистон - 1 ўрин, Ўзбекистон - 2 ўрин, Шри Ланка - 3 ўринни эгаллади. Жумладан, Вохидов Шамсиддин - 2 та олтин, 1 та бронза; Хамраева Дилбар - 1 та олтин, Нигматов Ортиқ - 2 та олтин, 1 та кумуш ва Фозилжонов Хожиакбар - 2 та кумуш медалларига сазовор бўлишди.

Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

“Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини

ривожлантириш жамғармасы ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур. Болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

Болалар спорти объектлари, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашши,

уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарур, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозим.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда. Уч босқичли спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортида улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича ИВ жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак савияда ўтказилди. Олти ёшли шахматчимиз Исломбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди. Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яҳё Имомов Францияда ўтган “Катта дубулға” туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Юртбошимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги Фармонида мувофиқ, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди ([Президентимиз Ислом Каримов раислигида 2014 йил 28 январь куни Оксаройда Ўзбекистон БСРЖ Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги нутқи](#)).

II БОБ. ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ УСУЛЛАРИ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

2.1. Тадқиқот усуллари

Биз танлаб олган мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз давомида қуйидаги тадқиқот усулларидадан фойдаландик:

1. Педагогик кузатув усули;
2. Педагогик таҳлил усули;
3. Математик-статистик усул.

Педагогик кузатув илмий тадқиқот ишининг таркибий қисми бўлиб, унда изланувчининг ўзи тадқиқотда айнан иштирок этмайди. Ҳаётдаги кузатишдан фарқли ўлароқ, бу усулият кузатиш предметини аниқ ўрганаяди, кузатилаётган ва ундан аниқланган далилларни тезлик билан ҳисобга оладиган тизимни ишлаб чиқиши ва уни изланишда қўллаши осон кечади. Махсус баённомалар, ёзувдаги шартли ифодалагичлар ва тадқиқотни осонлаштиради. Барча илмий кузатишлар натижаси кузатувчининг шахсий қобилятигагина боғлиқ бўлмаслиги лозим, чунки ўрганилаётган далиллар, уларни натижалари кўпчиликда турлича фикр ҳосил бўлишига олиб келади. Бу усулиятнинг қулай томони шундаки, бир вақтни ўзида бир неча кузатувчи бир объектни кузатиши ва натижаларни солиштирилади. Бунда айрим аппаратлар ўша ҳаракатнинг бажарилишини қайта такрорлаши ёки тадқиқот ўлчовига қараб уни фото, видео, магнит тасмаси ёзуви ва бошқалар орқали кузатиш лозим бўлган хулосаларни қилади. Бундай хулосалар объектив бўлади. Уни ижросидаги камчиликлар ёки янгиликларни такрорий кўриш имкони бор. Лекин қатор спорт турлари, ҳаракат фаолияти ва ҳаракат актини баҳолашда бахслар, мунозаралар қилишга тўғри келади. Хулосалар субобъектив бўлиб яқуний хулоса натижасига салбий таосир қилишҳоллари ҳам учрайди. Бу усул орқали олиб борилган тадқиқот давомида Қазанда ўтказилган Бутунжаҳон Универсиадаси ва Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Универсиадасининг енгил атлетика мусобақалари натижаларини

кузатув остига олинди. Ушбу мусобақаларнинг 100 м. ва 400 м.га югуриш, баландликка сакраш ва ядро итқитиш турларининг қайдномалари ҳамда видеотасмалари кузатилди (Ф.Керимов Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. ЎзДЖТИ-2004 й).

Педагогик таҳлил усули. Маълумки, назарий таҳлил ва умумлаштириш адабиёт материалларини тўла таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан бошланади. Адабиёт материалларини тўлиқ ўрганиб чиқиш жуда қийин. Улар йилдан йилга кўпайиб боради. Бундан ташқари илмий журналлардаги тадқиқотлар ҳақидаги мақолалар бир неча маротаба кўпаймоқда. Бунда ёрдамчи илмий предмет - “библиография” фани тадқиқотчининг ишини енгиллаштиради. Назарий таҳлил ва умумлаштиришнинг яна бир усулияти ҳужжат материаллари устида ишлашдир. Жисмоний тарбиянинг кўп томони амалий машғулотлар учун тузилган режалар, кундаликлар, конспектлар, ҳисоботлар ва шунга ўхшашларда ифодаланади. Улар албатта амалиётни назарда тутган ҳолда тузилган бўлади. Уларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш қутилмаган натижаларни бериши мумкин (Ф.Керимов Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. ЎзДЖТИ-2004 й).

Изланишлар давомида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга эътибор қаратилди. Унинг натижасида универсиадалар тўғрисида бир қанча маълумотлар тўпланди. Жумладан, маҳаллий олимларимиздан К.Т.Шакиржанова, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов-ларнинг хориждан эса Е.Кожевина, А.Гречко, И.Осипова, Д.Фролов, Е.Юшкиналарнинг олиб борган ишлари ҳамда Қазанда ўтказилган Бутунжаҳон Универсиадаси ва Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Универсиадасининг енгил атлетика мусобақаларининг 100 м. ва 400 м.га югуриш, баландликка сакраш ва ядро итқитиш турларини қайдномалари таҳлил этилди.

Математик-статистик усул. Сўнги йилларда биология ва педагогика фанларида тадқиқотнинг математик ҳисоблаш усулиятларидан кенг фойдаланилмоқда. Барча воқеаларнинг, атрофимизни ўраб олган ҳар қандай

жараёнларнинг икки томони – сифат ва миқдор томони бўлади. Маълумки, математика воқеаларнинг абстракт шаклдаги миқдор томонини ўрганadi. Илмий тадқиқот ҳали аниқланмаган тақдирдагина мумкин, лекин олиб боришда воқеаларнинг барча томонларини, жумладан миқдор томонларини ҳам тадқиқ этиш муаммоси туради. “Фан математикадан фойдаланишга муяссар бўлгандагина такомилга етади”- деган эди Полп Лафарг. Математик статистикадан биология масалаларини ҳал этишда ўзига хос равишда қўлланилиб биометрия ёки вариацион статистика орқали амалга оширилади. Тадқиқот натижасида олинган материаллар тадқиқотнинг сон ва миқдор жиҳатларини мужассамлаштиради. Рақамлар, кўрсаткичларни аниқлиги тадқиқотчига математик жиҳатдан тўғри ва аниқ фикрлар, мулоҳазалар чиқаришга, тадқиқот жараёни бўйича таққослаш, умумлаштириш, аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради (Ф.Керимов Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. ЎзДЖТИ-2004 й).

Олиб борилган тадқиқот натижаларини ушбу усул орқали ҳисоблаб, зарурий хулосалар қилиш учун фойдаланилди. Хулосалардан келиб чиқиб мавзу юзасидан тавсиялар ва таклифлар бериш имкони яратилди.

2.2. Тадқиқотни ташкил қилиниши

Мавзу бўйича тадқиқот 2014-2015 ва 2015-2016 ўқув йиллари давомида олиб борилди. Бу вақтларда маҳаллий ва хорижий адабиётлар, мусобақаларнинг видеолавҳалари ва қайдномалар ўрганилди. Адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида ҳар иккала универсиада ўйинлари тарихи, ташкил этилиши жиҳатларига эътибор қаратилди. Тадқиқот асоси сифатида 2013 йил Бутунжаҳон (Казан-2013) ва Ўзбекистон (Бухоро-2013) Универсиадалари енгил атлетика мусобақалари синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ушбу ўрганишлар мусобақаларнинг эркаклар ўртасида ўтказилган 100м. ва 400 м.га югуриш, баландликка сакраш ҳамда ядро итқитиш турларида кўрсатилган натижаларни ўрганиб, уларни ўзаро таққослаш имконини берди.

III БОБ. ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

3.1. Бутунжаҳон Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили.

XXII Универсиада ўйинлари Хитой пойтахти Пекин шаҳрида 2001 йили ташкил этилган. Унда 165 мамлакатдан 6757 та спортчи-талабалар иштирок этган. Ушбу мусобақаларда мамлакатимиз спортчи-талабалари 1 та олтин ва 2 тадан кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 21 ўринни эгаллаган.

XXIII Бутунжаҳон Универсиада 2003 йил 21-31 августда Жанубий Кореянинг Дегу шаҳрида ташкил этилган. Ушбу мусобақаларда 21 та спорт туридан баҳслар олиб борилган. Унда ўзбекистонлик спортчи-талабалар 2 та олтин ва 1 та бронза билан 20-ўринни эгаллаган.

XXIV Универсиада 2005 йили Туркиянинг Измир шаҳрида 17 та спорт туридан мусобақалар ўтказилган бўлиб, унда ўзбекистонлик спортчи-талабалар медалларни қўлга кирита олмаган.

XXV Универсиада 2007 йил Тайландда ўтказилган бўлиб, унда юртдошларимиз 1 та олтин медал қўлга киритиб 40 ўринни эгаллаган.

XXVI Жаҳон Универсиадаси 2009 йил Сербиянинг Белград шаҳрида 15 та спорт туридан 203 та медаллар жамланмаси ўйналган. Ушбу универсиада мусобақаларида юртимиз спортчи-талабалари медалларни қўлга кирита олмаган.

XXVII Бутунжаҳон Универсиада 2011 йил 12-23 августда Хитойнинг Шеньчжень шаҳрида ташкил этилган. Бу Универсиадада 150 та мамлакатдан спортчи-талабалар иштирок этиб, 23 спорт туридан 306 медаллар жамланмаси учун кураш олиб борган.

XXVIII Бутунжаҳон Универсиада ўйинлари 2013 йил 5-17 июль кунлари Казан (Татаристон, Россия)да ташкил этилиб, бу мусобақалар универсиадалар тарихида ҳажм жиҳатидан энг каттаси бўлди. Ушбу мусобақаларда 27 спорт туридан 351 та медаллар жамланмаси учун 160 мамлакатдан 11.7 мингдан зиёд спортчи-талабалар баҳс олиб борган бўлиб,

бу барча универсиадалар ичида рекорд натижа ҳисобланади (Методическое пособие «Универсиада-2013 в г. Казани: цифры и факты»// Н.Х. Давлетова, Ф.Р. Зотова, И.Г. Герасимова/ Казань: Поволжская ГАФКСиТ, 2013. – 48 с.).

Қуйида Бутунжаҳон Универсиадалари ўтказилган жойлар ва вақтлар тўғрисида сўз юритамиз.

1-жадвал

**Бутунжаҳон Универсиадаси ўтказилган жой ва йиллар тўғрисида
маълумот**

Ўтказилган йили	Ўйинлар	Ёзги Универсиада ўтказилган жой	Ўйинлар	Қишки Универсиада ўтказилган жой
1	2	3	4	5
1959	И	Турин, Италия		-
1960		-	И	Шамони, Франция
1961	ИИ	София, Болгария		-
1962		-	ИИ	Виллар, Швейцария
1963	ИИИ	Порту-Алегри, Бразилия		-
1964		-	ИИИ	Шпиндлеров Млин, Чехословакия
1965	ИВ	Будапешт, Венгрия		-
1966		-	ИВ	Сестриере, Италия
1967	В	Токио, Япония		-
1968		-	В	Инсбург, Австрия
1970	ВИ	Турин, Италия	ВИ	Рованиеми, Финляндия
1972		-	ВИИ	Лейк-Плэсид, АҚШ
1973	ВИИ	Москва, Россия		-
1975	ВИИИ	Рим, Италия	ВИИИ	Ливиньо, Италия
1977	ИХ	София, Болгария		-
1978		-	ИХ	Шпиндлеров Млин, Чехословакия
1979	Х	Мехико, Мексика		-
1981	ХИ	Бухарест, Руминия	Х	Хака, Испания
1983	ХИИ	Эдмонтон, Канада	ХИ	София, Болгария
1985	ХИИИ	Кобе, Япония	ХИИ	Беллуно, Италия
1987	ХИВ	Загреб, Югославия	ХИИИ	Штрбске Плесо, Чехословакия
1989	ХВ	Дуйсбург, Германия	ХИВ	София, Болгария
1991	ХВИ	Шеффилд, Буюк Британия	ХВ	Саппоро, Япония
1993	ХВИИ	Буффало, АҚШ	ХВИ	Закопане, Польша
1995	ХВИИИ	Фукуока, Япония	ХВИИ	Хака, Испания
1997	ХИХ	Сицилия, Италия	ХВИИИ	Муджу, Корея

				Республикаси
1999	XX	Пальма де Мальорка, Испания	ХИХ	Попрад, Словакия
2001	XXII	Пекин, Хитой	XX	Закопане, Польша
2003	XXIII	Тегу, Ж.Корея	XXII	Тарвизио, Италия
2005	XXIV	Измир, Туркия	XXIII	Инсбрук/Зеефельд, Австрия
2007	XXV	Бангкок, Тайланд	XXIV	Турин, Италия
2009	XXVI	Белград, Сербия	XXV	Харбин, ХХР
2011	XXVII	Шеньчжень, Хитой	XXVI	Эрзурум, Туркия
2013	XXVIII	Казань, Россия	XXVII	Марибор, Словения

Сўнги етита Универсиадаларда умумжамоа ҳисобида ғолиб ва совриндор бўлган мамлакатлар хусусида маълумот берамиз.

2-жадвал

Бутунжаҳон Универсиадаси мусобақаларида жамоаларнинг эгаллаган ўринлари маълумоти

Ўтказилган жойи ва вақти	1-ўрин	2-ўрин	3-ўрин
Пекин, Хитой 2001 йил	Хитой	АҚШ	Россия
Тегу, Ж.Корея 2003 йил	Хитой	Россия	Ж.Корея
Измир, Туркия 2005 йил	Россия	Хитой	Япония
Бангкок, Тайланд 2007 йил	Хитой	Россия	Украина
Белград, Сербия 2009 йил	Россия	Хитой	Ж.Корея
Шеньчжень, Хитой 2011 йил	Хитой	Россия	Ж.Корея
Казань, Россия 2013 йил	Россия	Хитой	Япония

Юқорида келтирилган маълумотларни тўплаш ва уларни умумлаштириш бўйича хорижда чоп этилган вақтли матбуот воситалари, интернет манбааларидан кенг фойдаланилди.

Энди бевосита Казанда ташкил этилган XXVIII Бутунжаҳон Универсиада ўйинларининг энгил атлетика турлари бўйича натижаларига эътибор қаратамиз. Унга кўра, энгил атлетиканинг Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган барча турларида яъни, эркаклар 24 та ва аёллар 23 та турдан баҳслар олиб борган.

Қуйида Казан-2013 энгил атлетика мусобақаларида давлатларнинг медаллар бўйича эгаллаган ўринларига тўхталиб ўтаемиз.

3-жадвал

Казан-2013 Универсиадаси енгил атлетика мусобақларида давлатларнинг медаллар бўйича эгаллаган ўринлари.

Ўрин	Давлатлар	олтин	кумуш	бронза	жами	шундан аёллар			шундан эркеклар		
						олтин	кумуш	бронза	олтин	кумуш	бронза
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Россия	22	16	8	46	13	11	2	9	5	6
2	Украина	4	5		9	2	2		2	3	
3	ЖАР	4	2	4	10			2	4	2	2
4	АҚШ	4	1		5	3	1		1		
5	Япония	2	4	5	11	2	1	3		3	2
6	Польша	2	1	2	5	1	1	1	1		1
7	Канада	1	3	1	5	1	1			2	1
8	Словакия	1	1		2				1	1	
9	Бразилия	1	1		2				1	1	
10	Қозоғистон	1		2	3	1					2
11	Белгия	1		1	2			1	1		
12	Ботсвана	1			1				1		
13	Озарбайжон	1			1				1		
14	Виргин ороллари	1			1				1		
15	Мексика	1			1				1		
16	Ямайка		1	3	4			2		1	1
17	Германия		1	2	3		1	1			1
18	Литва		1	1	2		1	1			
19	Хитой		1	1	2		1				1
20	Италия		1	1	2					1	1

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
21	Финляндия		1		1		1				
22	Беларуссия		1		1		1				
23	Испания		1		1					1	
24	Хиндистон		1		1					1	
25	Кения		1		1					1	
26	Сенегал		1		1					1	
27	Сербия		1		1					1	
28	Латвия		1		1		1				
29	Руминия			3	3			3			
30	Туркия			2	2			1			1
31	Австрия			2	2			1			1
32	Албания			1	1			1			
33	Эстония			1	1			1			
34	Чили			1	1			1			
35	Молдавия			1	1			1			
36	Венгрия			1	1			1			
37	Янги Зеландия			1	1						1
38	Португалия			1	1						1
39	Кот ди-Вуар			1	1						1
40	Австралия			1	1						1

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, мусобақаларда ўйналган барча 47 та медаллар жамланмасининг қарийб 1/3 қисмини мезбон спортчи-талабалар қўлга киритган. Улардан кейинги ўринларни эгаллаган Украина ва Жанубий Африка Республикалари вакиллари камтарона натижа қайд этиб, мос равишда 2 ва 3-ўринларни эгаллаган. Ушбу Универсиада ўйинларида енгил атлетикачиларимиз ҳеч бир турда сориндорлар қаторидан ўрин ололмаган.

3.2. Бухоро-2013 Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили.

Юртимизда ўтказиб келинаётган талаба-ёшлар ўртасида навбатдаги яъни, VI Ўзбекистон Универсиадаси кўҳна ва боқий Бухоро шаҳрида ташкил этилди. Унда спортчи-талабалар 12 спорт тури бўйича беллашдилар. Бунгача ташкил этилган барча Универсиадаларда иштирок этган спортчи-талабалар тўғрисида қуйидаги маълумотлардан билиб олса бўлади.

4-жадвал

Ўзбекистон Универсиадаси мусобақаларининг иштирокчилар бўйича статистикаси

Ўтказилган жойи ва вақти	Умумий қатнашчилар сони	Шундан	
		Талаба-қизлар	Талаба-йигитлар
Наманган 2000 йил	1049	475	574
Бухоро 2002 йил	2265	809	1456
Самарқанд 2004	2572	323	2249
Тошкент 2007 йил	1946	714	1232
Андижон 2010 йил	868	326	542
Бухоро 2013 йил	968	643	325

Изоҳ: Андижон-2010 ва Бухоро-2013 универсиадаларида спорт турлари бўйича саралаш мусобақалари вилоятларда ташкил этилган. Жумладан, волейбол, қўл тўпи, футбол ва шу каби жамоавий турлардан фақатгина финал босқичи Андижон ва Бухорода ўтказилган. Шу боис, иштирокчилар сони бу йилларда камроқ кўрсаткичга эга.

Бу рақамлар нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганидан ва айти пайтда беллашувлар кескин ва мурасасиз ўтишидан, медаллар сонининг ортганидан, спортчилар кўрсаткич ва рекордларининг йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолат беради.

3.3. Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадалари натижаларининг ўзаро қиёси.

Демак, мавзу бўйича олиб борган изланишларимиз ва кузатувларимиз натижасида эришган натижаларимизни ўзаро таққослаш ва қиёслаш зарурати тадқиқотларимиз мақсадини ёритиш учун хизмат қилади. Шу сабабдан кузатувларимиз натижаси сифатида қуйидаги эркаклар ўртасида ўтказилган 100м., 400 м., 1500 м.га югуриш югуриш, баландликка сакраш ва ядро итқитиш, аёлларда эса 100 м, 400 м., 800 м.га югуриш ва узунликка сакраш турларида кўрсатилган натижаларни келтириб ўтамиз. Ушбу кузатувимиз 2013 йилда ташкил этилган Жаҳон ва Ўзбекистон Универсиадаси мусобақаларида ўтказилган енгил атлетика натижаларини ўз ичига олади.

Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадаларида эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақа натижалари ва уларнинг ўзаро фарқи.

вилоят	Ф.И.Ш.	натижа	ўрин	давлати	Ф.И.Ш.	натижа	фарқи
100 м.га югуриш							
Фарғона	Достон Сайдалиев	10,4	1	ЖАР	Анаса Джободвана	10,10	0,30
Бухоро	Сардор Рузиев	10,8	2	Япония	Рёта Ямагата	10,21	0,59
Андижон	Фарход Тожибоев	11,0	3	Ирландия	Уа Вильфрид Коффи	10,21	0,79
400 м.га югуриш							
Сирдарё	Артем Дятлов	48,6	1	Россия	Владимир Краснов	45,49	3,11
Фарғона	Сардор Умаров	48,9	2	Бразилия	Андресон Энрикес	45,50	3,40
Навоий	Жонибек Рахимов	49,2	3	Ямайка	Николас Мейтленд	45,63	3,57
1500 м.га югуриш							
Жиззах	Роман Штукан	3:59,2	1	Россия	Валентин Смирнов	3:39.39	19,81
Сирдарё	Владислав Мамедов	4:00,8	2	Канада	Джереми Рей	3:39.45	21,35
Сурхондарё	Фахритдин Хамраев	4:07,4	3	ЖАР	Йеремиа Моцау	3:39.51	27,89
Баландликка сакраш							
Тошкент ш	Артём Резниченко	180,0	1	Россия	Сергей Мудров	231	51,00
Сирдарё	Андрей Козлов	170,0	2	Украина	Андрей Проценко	231	61,00
Наманган	Тимур Маткаримов	155,0	3	Хитой	Ю Ван	228	73,00
Ядро итиктиш							
Бухоро	Санжар Холидов	12,67	1	Россия	Александр Лесной	20,30	7,63
Сирдарё	Олим Бекбутаев	11,5	2	Ҳиндистон	Индерджит Сингх	19,70	8,25
Навоий	Алишер Хакимов	10,90	3	Россия	Валерий Кокоев	19,65	8,75

Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадаларида аёллар ўртасида ўтказилган мусобақа натижалари ва уларнинг ўзаро фарқи.

вилоят	Ф.И.Ш.	натижа	ўрин	давлати	Ф.И.Ш.	натижа	фарқи
100 м.га югуриш							
Тошкент ш	Дарья Резниченко	11,8	1	АҚШ	Орийелл Скотт	11,28	0,52
Тошкент ш	Ольга Глуховкина	12,2	2	Литва	Лина Гринчикайте	11,32	0,88
Фарғона	Юлия Бойбекова	12,4	3	Руминия	Андреа Огрэзьяну	11,41	0,99
400 м.га югуриш							
Самарқанд	Зарина Таирова	57,1	1	Россия	Ксения Усталова	50,60	6,50
Тошкент ш	Ирина Асанова	57,6	2	Россия	Алёна Тамкова	51,17	6,43
Хоразм	Шохида Абдуллаева	1:01,9	3	Ямайка	Анастейша Лерой	51,72	10,18
800 м.га югуриш							
Самарқанд	Зарнигор Ортикова	02:17,5	1	Қозоғистон	Маргарита Мукашева	1:58.96	18,54
Фарғона	Вероника Семёнова	02:19,5	2	Россия	Екатерина Купина	1:59.57	19,93
Самарқанд	Зарина Таирова	02:19,7	3	Литва	Эгле Бальчюнайте	1:59.82	19,88
Узунликка сараш							
Тошкент ш	Дарья Резниченко	6,2	1	Россия	Дарья Клишина	6,9	0,7
Тошкент ш	Анастасия Байкова	5,67	2	Россия	Елена Соколова	6,73	1,06
сурхондарё	Анжелика Кудякова	4,97	3	Германия	Мишель Вайцель	6,56	1,59

Танлаб олинган турларда кўрсатилган натижаларни ўзаро таққослаганимизда шундай хулосага келиндики, эркакларда 100 м.га югуриш бўйича Жаҳон Универсиадасида кўрсатилган натижаларга бизнинг спортчи-талабалар томонидан қайд этилган натижалар биров яқин келади. Айнан 100 м.га югуриш бўйича Казан-2013 Универсиадаси мусобақаларининг финалида кўрсатилган натижаларга спортчи-талабаларимизнинг Бухоро-2013да кўрсатган натижалари билан рақобатлаша олишини айтиш лозим. Чунки, Казан-2013 Универсиадасининг финалида сўнги натижа сифатида 10,64 сония қайд этилган.

400 м.га югуриш турида эса ўзбекистонлик спортчи-талаба йигитларнинг натижалари билан мақтана олмаслигимиз маълум бўлди. Чунки, Казан-2013 Универсиадасининг 400 м.га югуриш финалида кузатилган сўнги натижа 46.97 сек.ни ташкил этиб, бу Бухоро-2013да кўрсатилган натижа (1-ўрин 48,6 сек.)дан анча юқорироқ эканини қайд этиш лозим.

1500 м.га югуриш бўйича юртдошларимиз финалда 3:59,2 натижа кўрсатгани Казан-2013нинг финал баҳсларидаги энг сўнги натижа (3:53.01)дан ҳам анчагина пастлиги яққол кўриниб турибди.

Баландликка сакраш ва ядро итқитиш турлари бўйича эса жадвалда акс этган рақамлар бизнинг спортчи-талабалар ўз устиларида кўпроқ ишлаши ва етакчи мураббийларимиздан бу турларга алоҳида эътибор қаратиши лозимлигини англаш мумкин.

Энди спортчи-талаба қизларимизнинг натижаларига эътибор қаратсак:

100 м.га югуришда қизларимизнинг энг яхши натижаси 11,8 сонияни ташкил қилиб, бу Бутунжаҳон универсиадасининг финал натижалари (финалнинг сўнги натижаси 11,62 сония)га биров яқинлашганини билишимиз мумкин. Лекин бу натижа билан совринли ўринлар учун курашиб бўлмайди.

400 м.га югуришда самарқандлик қизимиз Зарина Таирова кўрсатган 57,1 натижа билан Бутунжаҳон Универсиадасида фақатгина саралаш баҳсларидан мусобақани яқунлашга тўғри келади.

800 м.га югуриш турида вакилларимиз ўз устиларида анчагина ишлари лозимлигини кўрсатиб турибди. Казан-2013нинг саралашда ҳам Зарнигор Ортиқованинг 1-ўринни эгаллаган натижаси билан иштирок этиб бўлмайди.

Узунликка сакраш тури натижалари спортчи-талабаларимиз билан юқори даражада машғулотлар олиб бориш зарурлигини яна бир бор исботламоқда. Ўз навбатида Казан-2013 Универсиадасининг ушбу турида мамлакатимиз вакиласи Юлия Тарасова 6,04 м. натижа кўрсатиб, мусобақада 12-ўрин билан кифояланган.

Умумий қилиб айтганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Универсиадаси мусобақаларида ўсиб келаётган ёш спортчи-талабалар кўпроқ иштирок этган. Аксинча, Осиё ва Жаҳон миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда муносиб иштирок этиб келган кўплаб етакчи спортчиларимиз бу пайтга келиб олий ўқув юртларини тамомлаганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, С.Радзивил, Р.Артиков, Н.Дусанова, Н.Асанова каби халқаро мусобақаларда кучлилилар ва совриндорлар қаторида бўлган етакчи атлетларимизнинг айни вақтда талабалик даврлари ортда қолган.

ХУЛОСА

Мавзу бўйича олиб борган изланишлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар ва рақамлар шуни кўрсатиб турибдики, Бутунжаҳон Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари юртимизда ташкил қилинган мусобақалардан кўра натижа жиҳатдан устун экан. Лекин Ўзбекистон Универсиадаси халқаро аҳамиятга эга бўлмасида, унда иштирок этаётган ёш спортчилар мазкур мусобақалар орқали жаҳон ареналарида ташкил этилаётган курашларга тажриба орттирмоқда. Ўзбекистон Универсиадасигача спортчи-талабалар, ўқувчилик чоғларида “Умид ниҳоллари, коллеж ва академик лицейдан “Баркамол авлод” спорт ўйинларида танлаган спорт турлари бўйича тажриба тўплаб, ушбу Универсиада баҳсларига етиб келмоқда. Бу эса спортда юқори даражадаги натижаларга босқичма-босқич эришишга замин яратади.

Кузатганимиз Казан-2013 Универсиадасида енгил атлетиканинг 27 та ва Бухоро-2013 Универсиадасида 25 та турдан мусобақалар ўтказилган бўлиб, ушбу мусобақалар жуда шиддатли ва рақобатга бой тарзда ўтгани тадқиқотимиз давомида яққол кўринди. Унга кўра Казан-2013нинг қисқа ва ўрта масофаларга югуриш, сакраш ва улоқтириш турлари шиддатли ва мурасасиз кечгани спортчи-талабалар кўрсатган натижалардан кўриниб турибди. Юртимизда ташкил этилган мусобақада эса қисқа масофага югуриш турларида спортчи-талабалар томонидан кўрсатилган натижалар Бутунжаҳон Универсиадаси натижаларига бироз яқин бўлсада, лекин совринли ўринларни қўлга киритишга етарли эмас.

Баландликка сакраш ва ядро иткитиш турлари бўйича эса жадвалда акс этган рақамлар бизнинг спортчи-талабалар ўз устиларида кўпроқ ишлаши ва етакчи мураббийларимиздан бу турларга алоҳида эътибор қаратиши лозимлигини англаш мумкин.

Узунликка сакраш туридан ҳамюртимиз Ю.Тарасова мусобақаларда муносиб иштирок этиб 6,04 м. натижа кўрсатиб 12-ўринни қўлга киритган. Ушбу баҳсларда ғолиб спортчи Россия вакиласи Д.клишина эса 6,90 м. билан биринчи ўринни эгаллаган. Юртдошимиз кўрсатган натижа Ўзбекистон Универсиадаси учун ғолибликка етарли бўлсада, халқаро мусобақаларда бу

натижа билан мақтана олмайди. Шу сабабдан енгил атлетиканинг мазкур турлари бўйича янада кўпроқ ишлаш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Тошкент 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни. Янги таҳрир. Тошкент 2015 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Тошкент 2013 йил.
5. И.А.Каримов томонидан 2002 йилнинг 24 октябрида “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги 3154-сонли фармони. Тошкент 2002 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги ПҚ-1923-сон қарори. Тошкент 2013 йил.
7. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. Тошкент 2001 йил.
8. К.Т.Шакиржанова, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов “Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш”. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент. ЎзДЖТИ 2012 й.
9. Ортиқов Х.Т., Омарова А.М. Универсиада спорт мусобақаларининг энгил атлетика турларини самарадорлигини ошириш. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2013 йил.
10. Ф.Керимов. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. ЎзДЖТИ-2004 й
11. Е.Кожевина, А.Гречко, И.Осипова, Д.Фролов, Е.Юшкина “Влияние мегасобытий на представления жителей о городе: опыт универсиады-2013” Казань 2013 г.

12. Методическое пособие «Универсиада-2013 в г. Казани: цифры и факты»// Н.Х. Давлетова, Ф.Р. Зотова, И.Г. Герасимова/ Казань: Поволжская ГАФКСиТ, 2013. – 48 с.

13. С.Мардонов Ўзбекистонда спорт мусобақаларини яратилишининг ўзига хос хусусиятлари. Магистрлик диссертацияси. 13-17 бет. Самарқанд-2011 й.

14. Ўзбекистон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Наманган-2000 й.

15. Ўзбекистон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Бухоро-2002 й.

16. Ўзбекистон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Самарқанд-2004 й.

17. Ўзбекистон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Тошкент-2007 й.

18. Ўзбекистон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Андижон-2010 й.

19. Ўзбекистон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Бухоро-2013 й.

20. Бутунжаҳон Универсиадаси мусобақа баённомаси. Казан-2013 й.

Интернет манбаалари ва сайтлари.

www.lex.uz

<http://xs.uz>

www.bolalarsporti.uz

www.21asr.uz

www.olamsport.com

www.olympic.uz

<https://daryo.uz>


<http://sport.tgim1.edusite.ru>

<https://ru.wikipedia.org>

ИЛОВАЛАР


1-расм.

Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари 100 м.га югуриш натижалари фарқи (эркаклар).




2-расм.

Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари 400 м.га югуриш натижалари фарқи (эркаклар).




3-расм.

**Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари 1500 м.га югуриш
натижалари фарқи (эркаклар).**




4-расм.

**Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари баландликка
сакраш натижалари фарқи (эркаклар).**




5-расм.

**Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари ядро итқитиш
натижалари фарқ (эркаклар).**




6-расм.
Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари 100 м.га югуриш
натижалари фарқи (аёллар).




7-расм.

Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари 400 м.га югуриш
 натижалари фарқи (аёллар).




8-расм.

Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари 800 м.га югуриш
 натижалари фарқи (аёллар).



Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиада ўйинлари узунликка
сакраш натижалари фарқи (аёллар).



Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Кўпкураш спорт турлари факультети 12-129 гуруҳ талабаси Абдурахмонов Жамолиддин Абдукарим ўғлининг “Жаҳон ва Ўзбекистон Универсиадаси енгил атлетика мусобақаларида спорт натижаларининг таҳлили” мавзусида ёзилган битирув малакавий ишига илмий раҳбар
ХУЛОСАСИ

Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътиборнинг натижаси сифатида бугунги кунда барча таълим муассасаларида тарбияланиб, ўқиб билим олаётган ва юрт равнақи учун муносиб ҳисса қўшаётган ёшларни мисол келтириш мумкин. Улар шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замон билан ҳамнафас бўлиб, илм-фаннинг замонавий талабларига жавоб берадиган ҳамда ҳақли равишда рақобатлаша оладиган етук мутахассис бўлиб етишмоқда. Ҳар бир соҳада ёшларнинг кўрсатаётган ташаббуси таҳсинга лойиқ.

Талаба Ж.Абдурахмонов томонидан ёзилган битирув малакавий ишининг мазмуни унинг долзарблигини таъминлайди. Мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқот ишининг кириш қисмида юритилган фикрлар ва маълумотлар ўринли ҳисобланади. Тадқиқотнинг ўрганилганлик нуктаи назаридан олиб айтиш мумкинки, юртимизда фаолият юритаётган етакчи мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам шу масалаларга тўхталиб уни ёритишга қаратилган маълумотлар мавжуд.

Талаба томонидан олиб борилган изланишлар давомида назарий ва таҳлилий фикрлар юритилган. Масалан, Казан-2013 Бутунжаҳон ва Бухоро-2013 Ўзбекистон Универсиадаларининг енгил атлетика мусобақалари натижалари аниқ ва ҳақиқий экани, уларни талаба ўзининг фикрлари билан баён этиб таҳлил этгани ишнинг вазифаларини ҳал қилишда ифода этилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида универсиада мусобақалари тарихи ва ташкил этилишининг асослари хусусида сўз юритилган. Унда универсиада мусобақалари тарихи, Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақалари тизими, юртимизда универсиаданинг жорий этилиши ва натижалари ҳақида алоҳида маълумотлар ва фикрлар келтирилган. Шунингдек, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг натижаси ҳам ўзига хос ҳисобот рақамлари ва маълумотлар билан баён этилган.

Ишнинг иккинчи бобида тадқиқот усуллари, уни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари ҳал этилган. Унга кўра тадқиқот давомида адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув ва математик-статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

Талаба битирув малакавий ишининг учинчи бобида тадқиқот натижаларининг таҳлили хусусида сўз юритган. Унда Казан-2013 Бутунжаҳон Универсиадаси ва Бухоро-2013 Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили ҳамда Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадалари натижаларининг ўзаро қиёси ўз навбатида тегишли жадваллар ва диаграммалар орқали акс эттирилган. Буни ушбу бобда ифода

этилган жадвалларда келтирилган маълумотлар ва рақамларда кўришимиз мумкин.

Тадқиқот ишининг натижалари ва яқунлари бўйича хулосалар қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам тартиб билан терилган. Рўйхатнинг аввалида келтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент фармонлари ва нутқларидан иқтибослар келтирилган. Шунингдек, юртимиз профессорлари Ф.Керимов, Р.Қудратов, К.Шакиржанова, М.Ахматовларнинг, россиялик Е.Кожевина, А.Гречко, И.Осипова, Д.Фролов, Е.Юшкина, Н.Давлетова, Ф.Зотова, И.Герасимоваларнинг дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари, магистрлик диссертациялари, мусобақалар баённомалари ҳамда интернет манбаларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг ёзилишида айрим имловий ва стилистик хатолар мавжуд. Биринчи боб адабиётлар таҳлилида мавзу юзасидан Бутунжаҳон Универсиадасининг ҳам ташкилий тузилмаси ва шаклланиши хусусида фикрлар келтирилмаган ва Ўзбекистон Универсиадаси билан ўзаро таҳлил этилмаган. Шунингдек, аввалги йиллардаги ҳар иккала универсиада натижаларидан ҳам мисоллар келтирилиб ўтилганида, тадқиқот иши бундан ҳам тўлиқ ва мукамал бўлар эди.

Лекин юқорида санаб ўтилган камчиликлар талаба томонидан ёзилган битирув малакавий ишнинг умумий сифатига салбий таъсир этмайди ва мазкур битирув малакавий ишни яқуний ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар

катта ўқитувчи А.Баратов

**КЎПКУРАШ СПОРТ ТУРЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ 12-129 ГУРУХ ТАЛАБАСИ
АБДУРАХМОНОВ ЖАМОЛИДДИН АБДУКАРИМ ЎҒЛИНИНГ “ЖАҲОН ВА
ЎЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИДАСИ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА МУСОБАҚАЛАРИДА
СПОРТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ” МАВЗУСИДА ЁЗГАН
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА**

ТАҚРИЗ

Талаба Ж.Абдурахмонов томонидан ёзилган битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот ишининг кириш қисмида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва маълумотлар ўринли саналади.

Талаба томонидан олиб борилган изланишлар давомида назарий ва таҳлилий фикрлар юритилган. Масалан, Казан-2013 Бутунжаҳон ва Бухоро-2013 Ўзбекистон Универсиадаларининг енгил атлетика мусобақалари натижалари аниқ ва ҳақиқий экани, уларни талаба ўзининг фикрлари билан баён этиб таҳлил этгани ишнинг вазибаларини ҳал қилишда ифода этилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида универсиада мусобақалари тарихи ва ташкил этилишининг асослари хусусида сўз юритилган. Унда универсиада мусобақалари тарихи, Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақалари тизими, юртимизда универсиаданинг жорий этилиши ва натижалари ҳақида алоҳида маълумотлар ва фикрлар келтирилган. Шунингдек, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг натижаси ҳам ўзига хос ҳисобот рақамлари ва маълумотлар билан ифода этилган.

Ишнинг иккинчи бобида тадқиқот усуллари, уни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари ҳал этилган. Унга кўра тадқиқот давомида адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув ва математик-статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

Талаба битирув малакавий ишининг учинчи бобида тадқиқот натижаларининг таҳлили хусусида сўз юритган. Унда Казан-2013 Бутунжаҳон Универсиадаси ва Бухоро-2013 Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили ҳамда Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадалари натижаларининг ўзаро қиёси ўз навбатида тегишли жадваллар ва диаграммалар орқали акс эттирилган. Буни ушбу бобда ифода этилган жадвалларда келтирилган маълумотлар ва рақамларда кўришимиз мумкин.

Тадқиқот ишининг натижалари ва яқунлари бўйича хулосалар қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг келтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент фармонлари ва нутқларидан иқтибослар келтирилган. Шунингдек, юртимиз ва россиялик профессорлари ва етакчи мутахассисларининг дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари, магистрлик диссертациялари, мусобақалар баённомалари ҳамда интернет манбаларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг ёзилишида айрим имловий ва стилистик хатолар мавжуд. Биринчи боб адабиётлар таҳлилида мавзу юзасидан Бутунжаҳон Универсиадасининг ҳам ташкилий тузилмаси ва шаклланиши хусусида фикрлар келтирилмаган ва Ўзбекистон Универсиадаси билан ўзаро таҳлил этилмаган. Шунингдек, аввалги йиллардаги ҳар иккала универсиада натижаларидан ҳам мисоллар келтирилиб ўтилганида, тадқиқот иши бундан ҳам тўлиқ ва мукамал бўлар эди.

Лекин юқорида санаб ўтилган камчиликлар талаба томонидан ёзилган битирув малакавий ишнинг умумий сифатига салбий таъсир этмайди ва мазкур битирув малакавий ишни яқуний ҳимояга тавсия этаман.

Тақризчи:

катта ўқитувчи Ф.Р.Махаммаджонов

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
КЎПКУРАШ СПОРТ ТУРЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ 12-129 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ
АБДУРАХМОНОВ ЖАМОЛИДДИН АБДУКАРИМ ЎҒЛИНИНГ “ЖАҲОН ВА
ЎЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИДАСИ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА МУСОБАҚАЛАРИДА
СПОРТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ” МАВЗУСИДА ЁЗГАН
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА**

ТАҚРИЗ

Абдурахмонов Жамолiddин ёзган битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот ишининг кириш қисмида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва маълумотлар ўринли саналади.

Талаба томонидан олиб борилган изланишлар давомида назарий ва таҳлилий фикрлар юритилган. Масалан, Казан-2013 Бутунжаҳон ва Бухоро-2013 Ўзбекистон Универсиадаларининг енгил атлетика мусобақалари натижалари аниқ ва ҳақиқий экани, уларни талаба ўзининг фикрлари билан баён этиб таҳлил этгани ишнинг вазибаларини ҳал қилишда ифода этилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида универсиада мусобақалари тарихи ва ташкил этилишининг асослари хусусида сўз юритилган. Унда универсиада мусобақалари тарихи, Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақалари тизими, юртимизда универсиаданинг жорий этилиши ва натижалари ҳақида алоҳида маълумотлар ва фикрлар келтирилган. Шунингдек, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг натижаси ҳам ўзига хос ҳисобот рақамлари ва маълумотлар билан ифода этилган.

Ишнинг иккинчи бобида тадқиқот усуллари, уни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари ҳал этилган. Унга кўра тадқиқот давомида адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув ва математик-статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

Талаба битирув малакавий ишининг учинчи бобида тадқиқот натижаларининг таҳлили хусусида сўз юритган. Унда Казан-2013 Бутунжаҳон Универсиадаси ва Бухоро-2013 Универсиадаси енгил атлетика мусобақалари натижалари таҳлили ҳамда Казан-2013 ва Бухоро-2013 Универсиадалари натижаларининг ўзаро қиёси ўз навбатида тегишли жадваллар ва диаграммалар орқали акс эттирилган. Буни ушбу бобда ифода этилган жадвалларда келтирилган маълумотлар ва рақамларда кўришимиз мумкин.

Тадқиқот ишининг натижалари ва яқунлари бўйича хулосалар қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг келтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент фармонлари ва нутқларидан иқтибослар келтирилган. Шунингдек, юртимиз ва россиялик профессорлари ва етакчи мутахассисларининг дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари, магистрлик диссертациялари, мусобақалар баённомалари ҳамда интернет манбаларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг ёзилишида айрим имловий ва стилистик хатолар мавжуд. Биринчи боб адабиётлар таҳлилида мавзу юзасидан Бутунжаҳон Универсиадасининг ҳам ташкилий тузилмаси ва шаклланиши хусусида фикрлар келтирилмаган ва Ўзбекистон Универсиадаси билан ўзаро таҳлил этилмаган. Шунингдек, аввалги йиллардаги ҳар иккала универсиада натижаларидан ҳам мисоллар келтирилиб ўтилганида, тадқиқот иши бундан ҳам тўлиқ ва мукамал бўлар эди.

Лекин юқорида санаб ўтилган камчиликлар талаба томонидан ёзилган битирув малакавий ишнинг умумий сифатига салбий таъсир этмайди ва мазкур битирув малакавий ишни яқуний ҳимояга тавсия этаман.

Тақризчи:

Ўзбекистон Енгил атлетика

Федерацияси раиси ўринбосари

К.Ф.Рузамухамедов